



Mustaqil gazeta

HURRIYAT


O'zingni angla!

Газетамизга
2009 йил учун
обуна
бошланди.
**Муштарийларимиз
сафиде бўлинг!**
Нашр
кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * 2008-yil 15-oktabr, №44 (599) * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://www.hurriyat.uz

ФАРОВОНЛИК МАНБАИ


Ўзбекистон Республикаси Ташқи фаолият миллий банки томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар минг-минглаб юрtdошларимизнинг тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйиб олишлари билан бир пайтда бир неча ўн минглаб янги иш ўринларининг яратилишига ҳам замин ҳозирламоқда.



⇒ 2-бет

ЧУВАЛАНГАН “КАЛАВА”


Ўйлаб қолсан киши, нима сабабдан қонуний суд қарорини бажаришни суд ижрочилари бир ярим йил мобайнида пайсалга солишди? Агар чиндан ҳам уша ҳудудда техника воситалари йўқ бўлса, нега бу маълумотни олиш учун шунча вақт кутиш лозим бўлди?



⇒ 4-бет

АФФОН МАЙНАСИ Фойдалими ёки...

...аксарият олимларимиз бу қушнинг табиий кўпайиш жараёнига аралашмаслик керак, деган фикрни илгари суради. Улар “табиатда кечаётган жараёнларга инсоннинг ўринсиз аралашуви аянчли оқибатларга олиб келиши”ни башорат қиладилар.



⇒ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов шу йилнинг 9-10 октябр кунлари Бишкек шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Давлат раҳбарлари кенгаши ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕвразЭС) Давлатлараро кенгашининг мажлисларида ҳамда Марказий Осиё давлат раҳбарларининг учрашувида иштирок этди.

Пойтахтимизда кеча Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган наватдаги IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси очилди. Унда дунёнинг кўплаб мамлакатларида фаолият юритаётган фирма ва компанияларнинг вакиллари иштирок этапти. Халқаро Ўзбекистон пахта кўргазмаси бутун ҳам давом этади.

Маълумки, шу йилнинг 5 октябр кунини Ўш вилоятининг Олой туманидаги Нура қишлоғида рўй берган zilzila оқибатида Қирғизистон Республикаси жиддий зарар кўрди. Оғир йўқотишлар бўлиб, 74 киши, асосан болалар ҳалок бўлган.

Ушбу табиий офат муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зилзиладан зарар кўрган Қирғизистон Республикаси аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ Олой туманига турли қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кўрса-тўшак, кийим-кечаклар, жумладан, болалар кийимлари ва бошқа энг зарур товарлар етказиб берилди.

Польшадаги Шарқ талқинотлари марказида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллиги ҳамда бу боралда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан амалда оширилаётган чора-тадбирларга бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 60 дан ортиқ халқаро шартномани имзолагани эътироф этилди.

Дилларни мафтун этган ҳафталик

Пойтахтимизда “Style.Uz-2008” дизайн ва мода кўргазмаси давом этмоқда



“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда “Дом Стиля” томонидан учинчи бор ташкил этилаётган ушбу лойиҳа нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатлар мутахассисларининг ҳам эътирофига сазовор бўлмоқда.

Кўргазма юртимизнинг машҳур дизайнерларнинг замонавий тўпламлари ва кундалик кийимлар намойиш этилмоқда. Ўз либосларини мамлакатимизнинг энг ёрқин дизайнерлари — Саида Амир, Артём Дробинев, Шерзод Отабоев ҳамда чет элдан «Sisi Wasabi» (Германия) мода уйи, Алёна Ахмадуллоева (Россия), Norio Surikabe (Япония), Пекин Либос технологиялари институти (Хитой) томошабинлар ҳукмига ҳавола этишяпти.

Фахрий меҳмонлар қаторида машҳур fashion-публицист Oda Akira (Япония), Шанхай тўқимачилик ташкилотлари ассоциацияси Бош котиби Dai Ziyi, “SOCIETY” журнали бош муҳаррири Gertrude Tauchhammer (Австрия), шунингдек, халқаро ОАВ вакиллари бўлиб, улар орасида PULS4 TV (Австрия), “Россия” телеканали, SOCIETY TV (Австрия), “Women’s Wear Daily” (Япония) журнали бор. Бу йилги тадбир иштирокчилари географияси кенгайганини айтиб ўтиш лозим. «Style.Uz-2008» меҳмонлари қаторида йирик халқаро ташкилотлар вакиллари, таниқли дизайнерлар, заргарлик ва мода уйлари эгалари, шоу-бизнес

юлдузлари, соҳадаги йирик бирлашмалар ва телекомпаниялар вакиллари, мода журналлари муҳаррирлари ва жамоат арбобларини кўриш мумкин.

Мода соҳасидаги энг ёрқин лойиҳалардан бири ҳисобланмиш “Style.Uz-2008” дастури ранг-баранг бўлиб, бу мусиқа ишқибозлари, тасвирий ва амалий санъат усталари ҳамда маданиятнинг турли йўналишлари вакиллари ўзига жалб қилиб келмоқда. Хусусан, ўзининг юртимиздаги илк ва ягона концерт дастурини Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида Хулио Иглесиас тақдим этди.

Ушбу кўргазмада иштирок этаётганимдан жуда мамнунман, — дейди россиялик таниқли дизайнер Алёна Ахмадуллоева. — Айниқса, ўзбекистонлик дизайнерларнинг ишлари билан танишар эканман, уларнинг ўз либосларида нафақат бугунги кун руҳини, балки миллийликни ҳам уйғунлаштиришга ҳаракат қилганлари, ранг-баранг

йўналишлардан фойдаланаётганлари таҳсинга лойиқ. Ушбу ҳафталик янги-янги истеъоддорларни кашф этишига ишончим комил.

Нихоятда қизиқарли ўтаётган Fashion-тадбирлари дастури фақатгина мода иҳлосмандлари эътиборини жалб этиш билан чекланмайди. Кўргазма доирасида таниқли қўшиқчи Род Стюарт яққол концертини тақдим этади. Мода ва дизайн кўргазмаси эса мутахассисларнинг ишбилармон мулоқотлари учун қулай майдон вазифасини бажаради.

“Style.Uz-2008” дизайн ва мода кўргазмасининг ўзига хос жиҳатлари шундан иборатки, унда машҳур дизайнерларнинг тўпламлари намойиш этилибгина қолмай, балки фэшн-саноат усталари билан мулоқот қилиш имконияти тўғрисида. Хорижий меҳмонлар ижодий фаолияти билан пойтахтимизда ўтказиладиган маҳорат дарслари давомида яқиндан танишиш мумкин.

Ҳафтанинг гранд-дефилеси ва Миллий либослар анъанавий фестивали якуни ҳамisha гузал ва навқирон Самарқанд шаҳрида ўтказилди.

Ситора ТОҶИДДИНОВА,
“Хуррият” муҳбири.

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

Асрлар қаъридан ўтган бойликлар

Яқинда қишлоққа борганимда ўтганларни зиёрат қилиш мақсадида қабристонга йўлим тушди. Қашқадарё вилоятида Имом Мўйин Қовчининг номли жой бор. Зиёратгоҳ ҳам шу зотнинг номи билан аталган. Қайтишда қабристон четига масжидга ҳам кириб ўтдим.

У ерда авлиё Имом Мўйиннинг (муъин — кўмак берувчи) хонақохи мавжуд. Белим бўли келадиган кичкина эшикчадан авлиёга таъзим қилиб, ичкарига кирарканман кўз ўнгимда муътабар зотнинг даҳмаси намойиш бўлди. Ёнида афсонавий тўғ. Хона четига эса иккита катта-кичик лаъх турибди. Устида бир неча қадимий китоблар. Улар — Алишер Навоийнинг устози Абдурахмон Жомийнинг девони, “Қуръони карим”нинг XVIII асрда кўчирилган нусхаси ҳамда авлиёларнинг таржимаи холи ҳақидаги таъкира экан. Қишлоғимиз қарияларидан эшитгандим; авваллари, яъни бундан тахминан бир аср аввал бу ерда ҳозирги китоблардан ташқари яна иккита катта ҳамдаги китоб бўлган экан. Кейин улар қаерга олиб кетилган, тақдири қандай кечган, буниси ҳозиргача номаълум.

Авлиё пойига чўк тушиб, китобларни бир-бир кўздан кечирдим. Гарчи ундаги маънолар ҳазинасидан баҳраманд бўлиш тугул, битта сўзини ўқий олмасам-да, асрлар талотўпига бардош бериб, бизгача етиб келган бу умрбоқий китоблар менга жуда-жуда қадрдондек туюлди. Уйга қайтарканман, руҳимда аллақандай энгилликни ҳис қилдим. Бобомнинг ёшлигимда менга айтиб берган хикоялари ҳаёлимда ўрлайверди.

Буваимнинг бувалари — Мулла Аҳмад катта мулла ўтган экан. Бир кун у кишининг халқ орасидаги обрўидан ҳафсираб, қамаб қўйишди. Яна қаерга денг бугдой тўқилган омборхонага. Беш кун ҳеч ким ха-

Маънавият ўғрилари


Фрейтаг, Акиммушкин, Иванов, Смирнов, Глуховский, Строганов, Костигов, Эрдман, Дорн, Фолькман, Сибинович, Долгорукий, Тамаев, Уиллин, Картозов, Гейнчу, Розальня, Дьяконов, Григоров, Голик, Ревель, Кагу, Данзас... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бу номларни ўқитган ўқувчилар улар ким ўзи деб ўйлаётган бўлиши табиий. Улар маънавият ўғрилари эди. XIX аср ва XX аср бошларида ўзи шундоғам хўрланган халқнинг маънавий меъросини, яъни ноёб Шарқ кўлэмаларини ўмираб, Англия, Россия, Туркия ва бошқа бир қатор давлат кутубхоналарини қимматбах ва ноҳир китоблар билан таъминлаб турган кимсалардир булар.

Обуна — 2009



- Хур фикрларга ишқибозмисиз?
- Узоқни кўзлаб иш тутишни хоҳлайсизми?
- Рухиятингизга мос газетани йил бўйи ўқиб бормоқчимисиз?
- Режалар, эзгу мақсадлар билан яшайсизми?
- Имкониятлар эшигини очишни истайсизми?
- Янгиликлардан, дунё хабарларидан воҳабар бўлмоқчимисиз?
- Тезроқ “HURRIYAT”га обуна бўлинг!

Жаҳон банкининг хавфсизлик тизими мустаҳкам



“Fox News” хабарларига қараганда, Жаҳон банки компьютер тармоғига ҳақерлар ўтган бир йил давомида олти маротаба ҳужум қилишган. Бироқ улар қандай маълумотларни ўғирлашгани номаълум. Лекин маъмур халқаро молия муассасаси раҳбарияти ушбу маълумотни қатъиян рад қилмоқда. Банк маъмурияти вакили бошқа компаниялардаги каби ахён-ахёнда ҳақерлар ЖБ Интернет тармоғига киришга ҳаракат қилиб туришини, аммо хавфсизлик тизими уларнинг маълумот олишига имкон бермаслигини таъкидлади.

5»

5»

■ **ФАРМОН ВА ИЖРО**

Мамлакатимизда инвестиция мухитини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, ортиқча иш кучи мавжуд минтақаларимизда янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишда тўғридан-тўғри хусусий хориж инвестицияларини жалб этиш ва ҳуқуқий ҳимоя билан кафолатлашга жиддий эътибор бериб келинмоқда. Бу борада қабул қилинган бир қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатларини, айниқса, Республикамиз Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Инвестор манфаати — қонун ҳимоясида

Мазкур Фармонда назарда тутилган корхоналар даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўловларидан, шунингдек, республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ўтказишдан озод қилинган.

Ушбу имтиёزلарга эга бўлмоқ учун қуйидаги талаблар ҳам қўйилган: объектлар қишлоқ аҳоли пунктларида жойлашган бўлиши, Низом жамғармаси 300 минг АҚШ долларидан кўпроқ бўлиши ва Низом жамғармасидаги хорижий таъсисчиларнинг улуши 50 фоиздан зиёд қилинган. Бундан ташқари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори асосида Адлия вазирлиги ҳамда унинг тизимларида “Хорижий инвестиция ва ташқи инвестиция иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоялаш” бўлимлари ташкил этилди.

Бўлимлар томонидан ҳудудларда жойлашган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳуқуқлари судларга даъво ариза киритиш, давлат бошқаруви ва назорат органларининг мансабдор шахслари номига қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш бўйича тақдимномалар йўллаш, таклифлар, огоҳнома ёхуд кўрсатмалар киритиш орқали ҳимоя қилинмоқда.

Фарғона вилоят Адлия бошқармасининг биз фаолият юритаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими жорий йилнинг биринчи ярмидаёқ судларга 381.763.246 сўм назарда тутилган даъво аризаларини киритди. Суд қарорлари асосида бу даъво аризалар айти пайтда тўла қаноатлантириб бўлинди. Масалан, Ўзбекистон — Америка “Mobilus-Group” қўшма корхонаси манфаатини кўзлаб, вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш марказидан 100.993.750 сўмлик асосида қарз ва 10.125.300 сўмлик пеня ундириш юзасидан вилоят ҳўжалик судига даъво ариза киритилди ва суд томонидан ушбу даъво қаноатлантирилди.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази маъсул ҳодимларнинг шартнома интизомига риоя этмаганликлари оқибатида ҳиссасдорлик жамияти

юқорида кўрсатилганидек, қўшма корхона моддий зарар кўрганлиги афсусланарлидир. Қўшимча ҳолда Адлия бошқармаси томонидан мазкур ҳолат бўйича жавобгар жамоа маъмуриятига тақдимнома ҳам киритилиб, қонун бузилиши ҳолатларига бошқа йўл қўймаслик тадбирлари ва шартнома интизомининг бузилишига сабабчи бўлган маъсул шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши таъминланди. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналардан бўлимимиз номига тушаётган аризалар ҳамда ишонч телефонлари орқали қилинаётган мурожаатларнинг кам эмаслиги, бир томондан, уларни ҳимоялаш бўйича амалий ишлар қилинаётганлигини кўрсатса, бу ҳолат ўз ўрнида, хорижий инвесторлар билан шартнома шартлари ижросига келганда айрим жойларда бепарволик ва маъсулиятсизлик муносабатлари мавжудлигидан далолат беради.

Яна бир мисол. Қувасойдаги “Делконс — Маэстро” қўшма корхонаси билан “Озодбек Раҳмонов Оқтош полвони” фермер ҳўжалиги ўртасида тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш жараёнида корхонага анча катта миқдорда маҳсулот етказиб берилмай қолган. Мазкур ҳолат бўйича ҳам қўшма корхона манфаати юзасидан вилоят ҳўжалик судига даъво ариза киритилиб, суд қарори билан инвестор ҳақи ундириб берилди.

Вилоятдаги хорижий инвестиция мухити мониторинг ўтказиш орқали изчил таҳлил қилиб борилади. Мазкур таҳлиллар шуни кўрсатиб турибдики, айрим шахар ва туманларда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни барпо этиш масаласига етарли эътибор берилмаёттир. Бундай корхоналар мавжуд бўлган жойларда эса, уларнинг фаолияти ҳали-ҳануз қониқарли эмаслиги ҳам кўзга ташланади. Биз бу жиддий нуқсонларнинг бартараф этилиши юзасидан тегишли шахар ёки туман ҳўкимлари номига огоҳномалар киритмоқдамиз. Ва албатта, бундай тадбирлар самараси бўйича назоратни ҳам йўлга қўйганмиз.

Икромжон ИСОҚОВ,
Фарғона вилоят Адлия бошқармасининг хорижий инвестиция ва ташқи инвестиция иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоялаш бўлими бошлиғи.

■ **МУЖДА**

Ёшлар келажакимиз таянчи

Тошкент Темир йўл муҳандислари институти қошида 2-сонли академик лицей иш бошлади

Мустақиллик шарофати билан республикамизнинг барча ҳудудларида замонавий касб-хунар коллежлари ва академик лицей биналарининг қад кўтарганлиги мамлакатимизда таълим тизимига бўлган юксак эътиборнинг ёрқин далилидир.

Яқинда мана шундай зиё мақола-канларидан яна бири қисқа муддат ичида қуриб, фойдаланишга топширилди. Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги 2-сонли академик лицейнинг очилиш маросими катта шодиеёнага айланиб кетди.

Тадбирни ушбу академик лицей директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Зафар Маҳмудов

очар экан, аввало, бу ўқув даргоҳи келажакимиз эгалари учун Ёшлар йилининг энг яхши совғаси бўлганлигини, бундан нафақат ўқувчилар, балки ота-оналар, маҳалла аҳли ҳам бениҳоя хурсандлигини таъкидлаб, қўлигул қурувчиларга ва Юртбошимизга ўз миннатдорчилигини изҳор этди.

Академик лицей 325 нафар ўқувчига мўлжалланган бўлиб, бирини барпо этишда 2 миллиард 116 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган. Бу ерда асосан аниқ, ижтимоий-гуманитар, табиий ва хорижий филология каби йўналишлар бўйича 25 га яқин мақола-педагог ҳодимлар ўқув машғулотларини ёруғ ва кенг синф хоналарида олиб бориша-

ди. Бундан ташқари, 60 га яқин ўқув лаборатория хоналари, аниқ фанлар бўйича 10 га яқин спорт тўғрақлари, ёзги ва қишки спорт заллари, илмий, бадиий адабиётга бой ахборот ресурслари маркази, тиббиёт хонаси, шинамгина фаоллар зали ёшлар ихтиёрига топширилган. Айниқса, ўқувчиларнинг иқтидорига қараб, хорижий тиллар ва аниқ фанларга йўналтирилган махсус синфларга алоҳида эътибор қаратилганлиги қалбларни тўлқинлантиради. Келгусида лицей битирувчиларини олий илм даргоҳларига йўналтириш учун мамлакатимиздаги нуфузли олий ўқув юртлири билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганлиги ҳам алоҳида эътиборга молик.

— Усмирлигимизда мана шун-

дай имкониятга эга масканда ўқиш биз учун орзу эди. Уғлим бу ерда таҳсил олаётганлигидан юрагимда фахр-ифтихор туйғусини ҳис этиб турибман. Отаналар учун дунёда фарзанднинг бахт-иқболидан улғурроқ саодат бўлмас керак. Ниятимиз, болаларимиз пухта таълим-тарбия олса, устозлари, эл-юрт олдида бизнинг ҳам юзими бўлса ёруғ бўлади, — дейди лицей ўқувчиларининг ота-оналаридан бири Гавҳар опа Усмонова.

Албатта, ёшларнинг билим олишлари учун яратилган бундай имкониятлар Ватанимиз эртаси, равнақи йўлидаги ёруғ қадамлардир.

Ислом СУЛТОНОВ

■ **ТАДБИРКОРЛИК**

“Агровосток” маҳсулотини экспорт қилмоқчи

“Агровосток” маъсулияти чекланган жамият Қамаша туманида тадбиркорликни кенг ривожлантиришга қўл урган дастлабки корхоналардан биридир. Ҳозир жамият таркибида бир неча халқ истеъмоли моллари тайёрлайдиган корхона фаолият кўрсатяпти. Уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

Жамият раҳбарлари фаолиятини кенгайтириш йўлидан боғлардан келиб чиқиб, истеъмол моллари тайёрлайдиган янги цехлар ташкил этаяпти. Масалан, шиша банклар учун металл қопқоқлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, уй бекалари учун муносиб совға хозирланган эди. Ҳозир ушбу қопқоқларга нафақат Қамашада, балки бутун Қашқадарёда талаб катта. Маҳсулотлар сифатлиги, зангламайди-ган металлдан тайёрланганлиги боис истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

Жамият директори Холназар Чўлиевнинг таъкидлашича, кейинги йилларда ўлкамиз боғ ва пайкаларида етиштириладиган маҳсулотларни қайта ишлашга эҳтиёж анча кучайди. Натижада россиялик ҳамкорлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга тўғри келди. Россиялик ҳамкорлар эса 300 минг АҚШ долларини миқдорда сармоя ажратишди. Ана шу маблағ эвазига мева ва сабзавотларни консервландиридан маъмул цех барпо этилди, янги технология сотиб олинди.

Ҳозир мазкур цехда ўн бешта яқин хотин-қиз турли мева-лардан консервалар тайёрлашмоқда. Помидор ва бодирингни қайта ишлаб сервисамин маҳсулотлар ишлаб чиқарилаёттир. Қўл меҳнати камайтириш мақсадида мева ва сабзавотларни саралаб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган майдончага маҳсулотларни етказиб беришга жохон андозалари талабларига жавоб берадиган чет эл ускуналари ўрнатилди. Янги технология хар сменада беш тонна маҳсулотни саралаб узатиш имкониятига эга.

Айни пайтда деҳқон-фермер ҳўжалиқларидан дала ва боғларда етиштирилган маҳсулотлар бозор нархларида харид қилинмоқда. Шу боис бу ерда маҳсулот келтираётганлар сони кун сайин кўпайяпти. Хар кун 1,5 тонна маҳсулот консервланган ҳолда сотувга чиқариляпти.

Жамият тадбиркорлари қиш ва баҳор фаслларидан ҳам ишлаб чиқаришни тўхтатмаслик учун йирик сизимли идишларга мева ҳамда сабзавот шарбатларини гамлаб қўймоқдалар. Бундай шарбатлар кейинчалик қайта

ишланиб қадоқланади, бюртмачиларга жўнатилади.

Жамият раҳбарининг айтишича, қиш ва баҳор ойларида сервисамин маҳсулотлар етиштириш учун уч гектар майдонда иссиқхона қуриш мўлжалланмоқда. Иссиқхонада асосан сабзавот етиштирилади ва оғирини ўстириш йўлга қўйилади. Ҳозирданок унинг қурилиши бошлаб юборилди.

Келгуси йилдан бошлаб корхонада мева ва сабзавот ҳамда полиз маҳсулотларини қуритадиган, қадоқлайдиган цех ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилади. Бунинг учун чет элдан асбоб-ускуналар олиш кўзда тутилган. Маъсулияти чекланган жамият раҳбарлари мева ва сабзавотни қайта ишлайдиган корхона муттасил ичимлик суви, электр ва табиий газ билан таъминлаш чора-тадбирларини ҳам кўрмоқда.

Қайта ишлаш цехи жамият фаолияти кенгайтган, агрофирмага айлантирилади. Бу ерда келажакда сут ва гўштни қайта ишлаш цехи ҳам фойдаланишга топширилади. Жамоа жорий йилда ҳаммаси бўлиб, қарий бир миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлашни режалаштирган. Даромадининг асосий қисми ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланади.

Пўлат ГАДОЕВ,
“Хуррият” муҳбири.

■ **АВВАЛИ**

Туркистон музофотида бўлгон воқеалар

Муҳаррам ойини ўртасида Офаринкент туманида Болта деган қишлоқда йўлдош сўфи деганни ховлисига бир неча ўғрилар кириб ўзини бўғиб ўлдурди, уйдаги молларини олиб кетибдурлар. Ушбу иш хусусида Дўстмуҳаммад қизи Ойабиддин ва ани ўғли Муҳаммадқул Мўминтой ўғлидин гумон қилинадур. Шу сабабдин аларни маҳбус айлаб тергов бўлиб турубдур.

“Туркистон вилоятининг газети”
28 июн, 1872 йил.

Муҳаррам ойида Дизах уязига тобей мавзуй йаъна Янги кўрғонга бир тош чор як бир чилакни усти билан ўтиб Бухоро борадургон улуг йўлни устидин бир ўлгон кишини аъзосини топиб олибдурларки ўрта қадлик тавоно (гавдали) киши экан. Қаламидин (йўл-йўл мато) карта ва лозимиси (ички иштон) бор экан. Ва чит-жоме билан чакмон кийган экан. Дизах ҳокими маълум айлабдурки ушбу халок бўлгон киши ўзбек экан. Ва нафаси қай-тиб халок бўлгон экан дебдур. Судга маҳкамасида ани иши терғалиб турубдурдир.

“Туркистон вилоятининг газети”
28 июн, 1872 йил.

Сафар ойини ичида Назар деган қишлоқда Турдибой деган ўн саккиз йашар йигит Ортиқбой Иброҳимбой деган ўз отасини кетмон билан уриб ўлдурдур. Мазкур йигитдин савол қилсалар хамиша мани ҳақорат қилғони учун ўлдурдум деб икром айлабдур. Ушбу кунларда ул йигитни ўзи маҳбус бўлиб ишлари терғалиб турубдур.

“Туркистон вилоятининг газети”
15 июн, 1872 йил.

Хиванинг хони Петербурхқа юборган элчиси Эрназар оталиқ деган апрелни йигирма учинчи кунни йаъни сафарни йигирма саккизда Урунбурухқа дохил бўлубдур. Урунбурухдин нари ўтиб кетмоқга рухсат бўлмоғондан сўнг ушбу кунларда Урунбурухдин қайтибдур. Урунбурух элчиға андоғ маълум қилибдурларки, Хиванинг хони аввал элчи йуборуб хар турлук сўзлар сўзлашмасдан илгари Туркистон генерал губирнатирининг фармойишларини бажо келтуруб Хивада банди бўлиб йотгон одамларни барчасин халос айлаб йубормоғи лозимдур деб.

“Туркистон вилоятининг газети”
28 июн, 1872 йил.

Йақин фурсатда Хуросон музофотида йар қатиг жунбуш айлогон экан. Йар жунбуш қилгон боиси билан вайрон бўлгон иморатни остидин бир нўғойни топиб олибдурлар. Бад аз он ул нўғойни йувмоқ учун гассолга топшургон эканлар. Гассол ул нўғойни йувиб тургон маҳалда ба як бор ул нўғой ўрнидин ҳезлаб туриб атроф жавонибга қараб нима қиларини билмасдин турубдур. Гассол ушбу ахволни бу бир офат экан деб ваҳиманок бўлиб йиқилиб ўшал замон жони чиқиб ўлубдур. Мазкур нўғой йарнинг остида ҳаво кирмаган сабабдин чимиқиб қолгон экан. Чун ташқарига чиққондин сўнг ичиға ҳаво кириб тирилиб ўз ховлисига соғ-саломат зан (хотини), фарзандлари билан хўрсандлик айлаб борибдур.

“Туркистон вилоятининг газети”
28 июн, 1872 йил.

WESTERN UNION
BLIZKO
UNI Stream
CONTACT
Migom

ИПТЕКА БАНК

Имқоният яратамиз

Халқаро пул ўтказмалари

Хизматлар лицензияланган

WWW.IPOTEKABANK.UZ

Нашрга тайёрловчи: Аъзам УМАР

Ҳамкорлик ишончни мустаҳкамлайди

Ишонч муқаддас бурч ҳисобланади. Ҳамкорлик борасида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан бошқа соҳалар каби банк тизимига ҳам эркинлик берилди. Провардида, тижорат банкларининг жаҳон андозалари даражасида фаолият юритиши, ривожланган давлатлардаги молия муассасалари билан бевосита алоқа қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Шу билан бирга, юртимиздаги банklar ўз миқозлари билан ўзаро яқин ҳамкорликни йўлга қўйганлиги боис ҳам уларнинг иқтисодийтизимиздаги ўрни ортиб бораёпти.

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Шахрихон филиали ҳам ўз нуфузига эга бўлган молия муассасаларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда бу ерда миқозлари сони 3894 тани ташкил қилади. Корпоратив миқозларни жалб этиш режаси 900 та этиб белгиланган эди. Ҳозир бу топширик 105 фоизга бажарилди.


Шахрихон туманидаги «Ойнура Бону фахри» хусусий корхонаси, «Шакарбой савдо ҳамкор», «Шахрихонтуз» масъулияти чекланган жамиятлари банкнинг ишончли ва иқтисодийти мустаҳкам миқозлари сира-сига киради. Бу ерда ходимлар ўртасида иқтисодий ўқишлар ўтказиш доимий йўлга қўйилганлиги боис, нафақат миқозларнинг, балки аҳолининг ҳам банкка бўлган ишончи ортиб бораёпти.

— Бу тadbир фуқароларнинг талабларини ўрганиш имконини ҳам бермоқда, — дейди Миллий банкнинг Андижон вилоят филиали бошқарувчиси Гафуржон Абдурахмонов. — Хизмат кўрсатиш даражасининг жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган тарзда ташкил этилиши, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши бизнинг асосий вазифамиз бўлиб, бу хизматлар белгиланган пайтда амалга ошириляпти.

«ШАХРИХОНТУЗ»:

МАХСУЛОТ СИФАТИ ОРТИБ БОРАЯПТИ

Шахрихонда тadbиркор Тоҳирбек Аҳмедовни ҳамма танийди, десак муболага бўлмайди. Сабаби у ўзи-



TOZALANGAN YODLANGAN TUZ SO'LB OCHISHENNA YODIROVANNAYA

нинг ишбилармонлиги, етти ўлчаб бир кесилиши ва ҳар бир юмушда пишиқ-пухталиги билан одамлар орасида танилган. Тоҳирбек ака Миллий банкнинг Шахрихон филиалидан 30 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, «Шахрихонтуз» масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди. Ҳозир бу ерда 15 киши меҳнат қилаёпти. Корхонада истеъмол тузини тайёрлаш, яъни ош тузини йод моддаси билан бойитиш йўлга қўйилди.

Банкдан олинган кредит ҳисобига тadbиркор Туркияда ишлаб чиқарилган тузини қайта ишлаш технологиясини олиб келди. Бугун Тоҳирбек Аҳмедов бошчилик қилаётган жамоанинг қўли қўлига тегмайди. Иш

кўп. Бир кеча-кундузда бир тоннага яқин ош тузи қайта ишланмоқда. Энг муҳими, корхонанинг мунтазам иш фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозир буюртмачилар кўп.

— Қайта ишланган тузини Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларига жўнатаямиз. Маҳсулотимиз сифатли бўлганлиги боис, барча худудлардаги савдо корхоналари билан ҳам шартнома тузаямиз, — дейди тadbиркор Тоҳирбек Аҳмедов. — Банкдан кредит олиб кам бўлмадик. Халққа хизмат қилаёламиз. Фарзандларимизнинг усти бут, қорни тўқ, Жамоанинг ҳам кайфияти яхши. Уларнинг иш ҳақи ўз вақтида бериб бориляпти. Муҳими, ишчиларда эртанги кунга ишонч бор. Режаларимиз кўп. Корхонани кенгайтириб, Житой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган замонавий технология олиб келмоқчиман. Шунингдек, «Экстра туз»нинг сифатли, янги турини ишлаб чиқариш борасида ҳам изланиш олиб боришмоқда. Келгусида яна қўшимча 20 та иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган.

Масъулияти чекланган жамиятнинг даромади ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу унга худуддаги ижтимоий масалаларни ҳал этиш имконини берапти. Масалан, тумани ободонлаштиришга ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида «Узбекистон» қишлоқ фуқаролар йиғини худуддаги «Қамолтепа» маҳалласида маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ўз ичига олган гузар куриш кўзда тутиляпти.

Тоҳирбек ака тadbиркорлик билан шуғулланиб кам бўлмайди. Уйини, яшаш шароитини яхшилади, бир неча энгил машиналар сотиб олди. У ҳаммасини ҳалол меҳнатдан деб билади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганлиги, мазкур соҳа юртимизда иқтисодийнинг устувор йўналиши деб эътироф этилганлиги, қолаверса, Президентимизнинг тadbиркорларга раҳнаомлик қилаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Астойдил ишлаган, изланган киши кам бўлмаяпти. Буни биз юқоридан шахрихонлик ишбилармон Тоҳирбек Аҳмедов мисолида кўриб, яна бир бор амин бўлдик.

Норкул МАЪМУР,
«Хуррият» мухбири. ®



Ўсимлик ўсишини кимёвий бошқариш

Аҳолини озиқ-овқат, саноатни хомашё билан таъминлашда, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда, ўсимликларни зараркундлар ва касалликлардан, бегона ўтлардан сақлашда кимёвий воситалардан фойдаланиш асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Мутахассисларнинг фикрича, инсоният ер юзиде етиштириладиган ўртача ҳосилнинг чорак қисминини зараркундлар ва ўсимликларни зараркундларга туфайли йўқотади. Оқибатда эса 203,7 миллион тонна дон, 2284,4 миллион тонна қанд лавлаги, 23,8 миллион тонна картошка, 23,4 миллион тонна сабзавот, 11,3 миллион тонна мева ва узум кам олинади. Бу тахминан 100 млрд. долларни ташкил этади.

Шу боис ҳозирда дунё миқёсида 10 000 дан орттиқ турдаги турли хил кимёвий воситалар ишлаб чиқарилиб, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмоқда. Республикада эса бу борала Андижон давлат қишлоқ хўжалиги институтини маълум ишлар амалга ошириб келинапти. Айниқса, физика ва кимё кафедраси қошида биологик фаол моддалар синтези илмий-тадқиқот лабораториясининг бир неча йиллик ишлари таҳсинга лойиқ. Айни пайтда ўсимликлар ўсиши ва ривожланишини тезлаштирувчи, ҳосилдорликни кўпайтиришга таъсир этувчи янги кимёвий модда синтез қилинмоқда.

Неъматжон МАЪДИХОНОВ
«Андижон ёшлари».

Миссионерлик нима?

ёхуд огоҳликка даъват

Мусулмонларга қарши илк миссионерлик ҳаракатлари милодий VIII асрадақ дуч келиш мумкин. Турли Ғарб манбаларида Андалусия подшоҳи Абдулазизнинг насроний қилишга хотини Эгинола урингани айтилади. Жиддий миссионерлик ҳаракатлари эса XIII асрада асослиқ Франкия томонидан амалга оширилди. Ўрта асрларда насроний роҳиб ва сайёҳлар ислом ўлкаларига сафар қилиб, уларнинг заиф томонларини ўрганишга интилан. Оқибатда айрим халқларга ўз таъбирини ўтказди. Бу ишда улар отган таълим муассасалари кўл келди. Бугунга келиб эса черковларга боғлиқ мингларча миссионер ташкилотлари билан биргаликда юзларча миссионерлар дунёнинг турли бурчақларида ҳаракатланишмоқда...

Ана шундай ҳаракатлар мамлакатимизда ҳам кўча-кўйда, одамлар гажум жойларда турли миссионерликни тарғиб қилувчи адабиётлар ва рисодалар тарқатиб, зимдан тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Энг ачинарлиси, баъзи одамлар бундай ҳаракатларнинг асл моҳиятини тушунмасдан, оқибатини ўйламасдан, ҳатто нима иш қилаётганини билмасдан, уларнинг куралига айланиб қолмоқда. Шундай экан, кенг жамоатчилик орасида, мактабларда, олий ўқув юртиларида миссионерлик ҳаракатларининг зарарли оқибатлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориш янада кучайтирилса, ёшларга отабоболари қандай ҳаёт кўрсатгани, юксак малағиятлари қай тарзда тараққий этгани тўғрисида маълумотлар берилса, шубҳасизки, бизни ҳеч ким йўлимиздан адаштира олмайди.

Музаффар ҚУРБОНБОВ
«Турпан ҳаёти».

Меҳнат қонунчилигига фермер ҳам риоя қилиши керак

Навий вилояти ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси, Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари томонидан фермер хўжалиқларида олиб борилаётган текширувлар ва мониторинглар шунини кўрсатмоқдаки, фермер хўжалиқлари раҳбарлари (иш берувчи) билан



ишчи-ҳодимлар ўртасида меҳнат муносабатларини тартибга солувчи асосий ҳужжатлар, яъни меҳнат тартиб-қондалари ва жамоа шартномалари барча фермер хўжалиқларида бир хил жорий этилмаган. Жорий этилганлари ҳам амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мос равишда ишлаб чиқилмаган.

Қўшима фермер хўжалиқларида меҳнат шартномалари тузилмаган, буйруқлар ҳамда ишчиларга меҳнат дафтарчалари тутилмаган, тутилганлари ҳам қонунчилик доирасида расмийлаштирилмаган. Буша Қармана туманидаги «Узбекистон», «Раҳмат Шариф орузи», «Тура Жура яшнар боғи» фермер хўжалиқлари ва «Муқим Ибрагимов МПН» жамияти ҳамда бошқа бир қанча мисолларни келтириш мумкин.

С.Боймуродов
«Ўстлик байроғи» (Навий).

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг моддий ва ахборот қўмағида тайёрланди. Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

Чуваланган «калава»

ёки суд ижрочилари фаолиятдан бир жуфт мисол

Эътироф этиш лозимки, сўнгги йилларда мамлакатимиз Президенти томонидан суд, ҳуқуқ-тартибот, шу жумладан суд ижроси соҳасидаги органлар тизимини ислоҳ қилиш, иш фаолияти самарадорлиги ва сифатини ошириш учун барча шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламда чора-тadbирлар кўрилмоқда. Бунинг учун нафақат тегишли қонун ҳужжатлари мукаммаллашди, балки давлат бюджетидан катта миқдорда маблағлар, моддий-техника ресурслари сарф этиляпти. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятида ҳам ижобий натижалар кузатиламоқда.

Бироқ минг афсуски, айрим ҳолларда суд томонидан қабул қилинаётган қарор ёки аҳримлар асоссиз, ижросиз қолмоқда ёки ижро муддати чўзилиб кетаяпти. Куйидаги мисолларда ҳам суд ижрочиларининг ундирувчи шахсларнинг ҳуқуқларига, уларнинг қонуний талабларига ҳамда ўз хизмат бурчларига нисбатан лоқайдлик қилишаётганини кўриш мумкин.

Ҳуқуқий-демократик жамият сари қадам қўйилаётган бир пайтда ҳар бир шахс қонунларга ҳурмат билан қараш зарур. Суд ижрочилари эса бу борда бизнингча, адолатли қарорни ижро қилиш баробарида намуна бўлишлари даркор. Аммо...

2007

Июль 7 май кунини Тошкент шаҳар хўжалик суди чиқарган қарор хорижий корхоналар — «Central Asia Petrochemicals» компаниясининг «International Petroleum Group Limited» масъулияти чекланган жамиятига умумий миқдори 809 миң АҚШ долларига тенг маблағни ундириш тўғрисида эди. Суд ҳужжатининг сиёҳи қуримасидан, яъни орадан уч кун ўтиб, Юнусовдан туман суд ижрочилари иш бошлаб юбордилар. Ундирувчи компания вакили суд ижрочиларига Андижон вилоятидаги «XXI АСР» қўшма корхонасида қарздор компаниянинг катта қийматдаги нефть маҳсулотни сақлаётганини маълум қилади. Амалдаги қонунчилик талабига кўра суд ижрочилари далолатнома тузиб, ижро ҳужжатини Андижон вилояти суд ижрочиларига юборишлари лозим эди. Улар эса Андижон вилояти «XXI АСР» қўшма корхонасида қарздор компаниянинг катта қийматдаги нефть маҳсулотини ўз кўзлари билан кўрмаган ҳолда пойтахтдан туриб, унга расман бандлик муҳрини босдилар.

Бундан хабар тошган қарздор компания вакиллари суд қарорини ноқонуний ҳисоблаб, уни бекор қилишни сўраб, Тошкент шаҳар хўжалик судига апелляция шикоятни ёздадилар. Аслини олганда қарздор деб ҳисобланган компания вакиллари суд

жараёнида иштирок ҳам этмаган. суд қарори даввогар қўрсатмалари асосида чиққан, холос. Ишни ўрганган Тошкент шаҳар прокуратураси ҳам ушбу суд қарорини ноқонуний деб ҳисоблаб, апелляция протести киритади. Иш бораётган бир пайтнинг ўзида мазкур маълумотлар суд ижрочиларига ҳам бир неча бор етказилади. Аммо юнусовдлик ижрочи «шунқор»ларимиз ўз ишларига шу қадр пайтнинг ўзида мазкур маълумотлар биржа сотувида қўйдилар ҳамда уни арзон баҳода, яъни 104 миллион сўмга сотиб юбордилар. Бу хусусда қўшма корхона эгаларини огоҳлантириб қўйишни ҳам ўзларига эп кўрмадилар. Натижада ижрочиларнинг бу ишдан беҳабар қўшма

корхона ўз нефть маҳсулотини вагонларга юклаб, бошқа бир ташкилот билан тузилган шартномага кўра ўша харидор манзилига жўнатди. Бундан хабар тошган суд ижрочиларининг «фидойилик»лари яна авж палласига кўтарилди. Ҳеч кимдан сўрамай-нетмай, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясига «XXI АСР» қўшма корхонасининг маҳсулотини ортинлар вагонларини бекатда вақтинча сақлаб туриш хусусида қўрсатма беради.

Хуллас, суд қарори бекор бўлди. Иккала хориж компанияси ўртасида тузилган шартномага мувофиқ улар орасида юзага келган нисбати Латвия Республикаси арбитраж суди кўриб чиқishi аён бўлди. Қўшма корхона банд этилган товарларини бекатдан олиб чиқмоқчи бўлганда, энди темир йўл ташкилотлари вакиллари кўндаланг туришди.

Эмишки, бир ярим ой мобайнида вагон-цистерналар ҳаракатсиз туриб қолгани ҳисобига ўттиз беш миллион сўм миқдорда жарима тўланиши лозим. Албатта-да, ҳар бир корхона, ташкилотнинг ўз қонун-қоидалари бор. Ана энди ушбу савол бўғзингизда қоққан қоқиққа айланади: хўш, юнусовдлик суд ижрочилари учун қонун-қоидалар борми? «XXI АСР» қўшма корхонасининг «Ўзбекистон темир йўллари»

ДАКка емаган сомсага пул бергандек талаб қилинган ўттиз беш миллион сўм миқдордаги жарима маблағни ноилоҳ, яъни ўз маҳсулотини тезроқ қайтариб олиш илнжидида тўлади. Аммо ўзига етказилган моддий зарарни ундириб беришларини сўраб, Тошкент шаҳар хўжалик судига мурожаат этди. Бу гал жавобгарлар «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК ҳамда Суд қарорларини ижро этиш бўйича департаментнинг шаҳар худудий бошқармаси бўлди. Аммо суд «низонини судга ҳал этиш тартибига риоя этилмаган» деган ваҳми рўқач қилиб, даввони кўриб чиқмади. Шунини айтиш лозимки, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК низомига асосан мазкур компанияга билдирилган эътироз олти ойлик муддат давомида кўриб чиқилади. Бу вақт орасида қўшма корхонага талайгина фойда келтириши мумкин бўлган 35 миллион сўм миқдордаги маблағ ҳали қанча муддат ўзгалар тасарруфида қолиб кетади, қўшма корхона вакиллари яна қанча муддат сарсон бўлишади, бу — ёлғиз Яратганга аён. Майли, бунга ҳам қўл силташ мумкин. Бироқ чуваланиш кетган калаванинг учини қаер-

Ана энди ушбу савол бўғзингизда қоққан қоқиққа айланади: хўш, юнусовдлик суд ижрочилари учун қонун-қоидалар тизими, уларнинг меъёр ва ўлчамлари борми?

дан қидириш мумкин? Асосий айбдор ноқонуний ҳужжат қабул қилган суд органими ёки кетма-кет қонунга хилоф ишлар юритган суд ижрочиларими?

— Бу сингари ноҳилис ишлар, — дейди ҳуқуқшунос Улуғбек Мусаев, — юртимиз раҳбарлари тadbиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун астойдил ури-наётган, суд-ҳуқуқ тизимидеги ислохотларни чуқурлаштиришга эътибор қаратилаётган бир пайтда уларни тўғри тушунмаслик ёки қонун-қоидаларга хурматсизлик билан қарашдан пайсалга солишди? Агар чиндан ҳам ўша худудда техника воситалари йўқ бўлса, нега бу маълумотни олиш учун шунча вақт куттиш лозим бўлди? Афсуски, бу каби мисоллар соҳада битта-иккита эмасга ўхшайди.

Мамлакат НОРМУРОВОДА,
«Хуррият» мухбири.

Сифатли молиявий хизмат — муваффақият гарови

“Асака” банкнинг Хоразм вилояти филиали аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида қулай, фойдали кредитларни тақдим этаяпти

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги пайтда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожидан банкларнинг ўрни ортиб бормоқда. Хизмат кўрсатиш даражасининг жаҳон андозалари талабларига жавоб бериши, тўловлар бир неча сонияларда амалга оширилади — ганлиги ва бошқа қулай хизматлар фикримизнинг далилидир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисдаги Президентимиз маърузасида мамлакатимиз иқтисодиётида рақобат муҳитини шакллантиришга алоҳида тўхталиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаб, жаҳон бозорига олиб чиқиш бўйича лозим бўлган энг муҳим вазифалар ҳақида алоҳида тўхталган эди.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда ДАТ “Асака” банкнинг Хоразм вилоят филиали вилоят иқтисодиёти ривожидан катта ўрин эгаллаб, аҳоли фаровонлигини ошириш, пул муомаласи барқарорлигини таъминлаш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлашда вилоят тижорат банклари орасида муҳим ўринни эгаллайди. Бугунги кунда филиалнинг 70 та мини банки фаолият кўрсатмоқда. Масалан, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кредит қўйилмалари ҳажми 17,4 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Ажратилган қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ҳажми 7824,8 млн.сўм миқдорини ташкил қилиб, шундан саноатга 263,7 млн.сўм ёки жами кредит қўйилмаларининг 3,4 фоизи, қишлоқ хўжалигига 2329,1 млн.сўм ёки 29,8 фоизи, савдо воситачилик учун 1071,9 млн.сўм ёки 13,7 фоизини, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига 1659,8 млн.сўм ёки 21,2 фоизига тўғри келиб, бошқа соҳаларга эса 2500,3 млн.сўм миқдоридан маблағлар ажратилди.



Шу билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзлар бериш борасида Президентимиз фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари талабларини бажариш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида мазкур соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича 2660,8 млн.сўм миқдоридан қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратилди, белгиланган кредит бериш режаси 177,3 фоизга бажарилди. Йил бошидан ажратилган кредитлар ҳисобига яратилган иш ўринлари сони эса 94 тани ташкил қилмоқда.

Айни пайтда вилоятда тадбиркорлар томонидан кредит олиб молиявий имкониятларини мустаҳкамлаб олган жамоалар кўп. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ўзининг сифатлилиги ва рақобатбардошлиги билан хорижикидан асло қолишмайди. Қишлоқ хўжалиги қорхоналарига банк томонидан кредитлар ажратиш орқали тизимда хизмат кўрсатаётган қорхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, 2007 йилда давлат буюртмаси ҳисобланган ҳосилни етиштириш мақсадида фермер хўжалиқларига пахта учун 1866,3 млн.сўм, ғалла учун 127,2 млн.сўм, 2008 йилда ғалла етиштириш учун 7 млн.сўм миқдоридан имтиёзли кредитлар ажратилди. Бундан ташқари фермер хўжалиқларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида “Бикажон Собирова” фермер хўжалигига 146 млн.сўмга “Класс Доминатор — 130” комбайни ва 5 та фермер хўжалиги ва 2 та хусусий қорхонага 133,9 млн.сўмлик “МТЗ” ва бошқа техникалар лизинг асосида олиб берилди. (2006 йилда бу кўрсаткич қуйидагича эди: 7 та фермер хўжа-



лигига 44,4 млн. сўмлик қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатлар имтиёзли тарзда лизинг асосида харид қилиниб, 2007 йилда 3 та (“Аму-Урганч”, “Қуронбой бобо”, “Хайбат”) фермер хўжалигига 316,5 млн. сўмлик “Енисей” комбайни, 33 фермер хўжалигига 1017,4 млн.сўмлик лизинг билан, “Белорус МТЗ” русумли тракторлар, “Тўрабек” фермер хўжалигига 122,3 млн. сўмга “Класс Доминатор — 130” комбайни ва “Наврўз” фермер хўжалигига 41,7 млн.сўмга “Алтай”-Т-4 русумли шудгор қиладиган трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик техникалари имтиёзли тарзда узоқ муддатли кредитга берилди.

Бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Энг муҳими, банк хизматидан баҳраманд бўлганлар имкониятларини мустаҳкамлаб, ишини йўлга қўйиб олган.

Паррандачиликни ривожлантириш, парҳез маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилганлигини



кўриш мумкин. Масалан, Урганч туманидаги Шарип Зарипов номи паррандачиликка ихтисослашган ОАЖга ем-хашак сотиб олишга 187,5 млн.сўм қисқа муддатли кредит ҳамда инкубация тухуми сотиб олиш учун 112,5 млн.сўм миқдоридан узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Натижада жамият иқтисодиётини мустаҳкамлаб олди. Ҳозир парҳез маҳсулотлари етиштириш ҳажми бир неча баравар кўпайди. Бу табиийки, вилоятда товуқ гўшти ва тухумининг арзонлашишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, аёллар тадбиркорлигини тобора кенгайтириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам кўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини бераёпти.

Масалан, республикамиз Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мувофиқ тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида банк томонидан 54 та тадбиркор аёлга 121,5 млн.сўмлик кредитлар ажратилди. Натижада ўнлаб уй бекалари ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар имкониятларини тиклаб олдилар.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрданчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳам филиалимиз томонидан жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари учун белгиланган режа бўйича жами 130,5 миллион сўм миқдоридан кредитлар ажратилиши кўзда тутилган бўлса, амалда жами 150,8 миллион сўм миқдоридан имтиёзли кредитлар ажратилди ёки белгиланган режа 116 фоизга ортиги билан бажарилди. Мазкур кредит маблағлари ҳисобига 109 та кам таъминланган оила-

га 229 бош чорва моллари олиб берилди. Қорамол олган оилаларнинг оиласига барака кирди.

Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, санитария ҳолатини яхшилаш, сотувчилар ва харидорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, истъемот товарларнинг чакана савдосини тартибга солиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги “Ноозиқ-овқат истъемот товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 330-сонли ва бошқа тегишли қарорларнинг ижросини таъминлаш учун “Урганч марказий деҳқон бозори” АЖ га жами 1500 млн.сўм миқдоридан кредит бериш кўзда тутилган бўлиб, жумладан унинг 1100 млн.сўми жорий йилда ажратилди.

Қолаверса, мижозларга кўрсатилаётган хизмат соҳасини яхшилаш учун бозор ҳудудидан яна 1 та “Марказ” мини банки ҳамда 7 та махсус кассалар барча турдаги молиявий хизматлар кўрсатишни бошлади. Мазкур инфратузилма объектлари керакли мебель ва замонавий техника жиҳозлари билан таъминланган. Келгусида бундай тармоқ фаолиятини янада кенгайтириш ва чекка-чекка туманлар аҳолисига ҳам барча банк хизматларини кўрсатишда қулайликлар яратиш мақсад қилиб кўйилган.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини яхшилашга мамлакатимизда алоҳида эътибор берилаяпти. Бу борада Президентимиз фармонлари ва ҳукумат қарорлари дастуриламал бўлмоқда. Масалан, давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 21 майдаги “2010 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис со-



ҳаларини ривожлантиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Файз” фермер хўжалигига қарашли Урганч шаҳрининг Ал-Хоразмий кўчасидаги 66-А жойлашган бино қайта реконструкция қилиниб, «4 юлдузлик» меҳмонхона сифатида аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш учун 70 млн.сўм миқдоридан кредит берилди.

Молиявий муассасамиз халқ хўжалигининг барча соҳаларига хизмат кўрсатиш билан бирга, ҳар бир оилага кириб бориб, уларнинг муаммоларини ҳал қилишда ҳам ўз ҳиссасини қўшишга интиломоқда. Хусусан, мамлакатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги “Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони талаблари ҳам ҳаётга изчил, кенг тадбиқ этилмоқда. Натижада қўллаб ёш оилалар кредит олиб уйли бўляпти ёки зарур маиший жиҳозлар сотиб олмақда. Масалан, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 1094 млн. сўмлик ипотека, 114,3 млн.сўмлик истъемот кредитлари ажратилди. Бу билан ёш оилаларни алоҳида уй-жой ва уй жиҳозлари сотиб олишларига имконият яратилмоқда.

Шу жараёнда, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағлари-

нинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг ғоят муҳим манбаи сифатида одамларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда тизимга оид бошқа қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида республика бош банки томонидан 40 турдаги миллий ва хорижий валютадаги омонатлар жорий этилган бўлиб, уларни вилоятимиздаги филиал ва 7 та мини банкларда расмийлаштириш мумкин.

Ушбу омонатларга қўйилган маблағлар белгиланган муддатларда фуқароларнинг биринчи талаблари билан тўлаб берилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида аҳолидан миллий валютада мазкур мақсадда қабул қилинган тушум 6106,6 млн.сўмни ташкил қилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3549 млн. сўмга кўпайди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича ҳам муайян тадбирлар амалга оширилмоқда. Юртбошимизнинг 2006 йил 3 августдаги “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига жами 14138 дан ортқик пластик карточка муомалага чиқарилди. Улардан аҳоли самарали фойдаланиши учун жойларга 127 га яқин савдо терминаллари, банкоматлар ўрнатилган бўлиб, уларнинг 91 фоизи савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига жойлаштирилган.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи даврида банкомат ва терминаллар орқали амалга оширилган ишлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 баробарга кўпайиб, 2474,2 млн.сўмни ташкил этди. Ушбу маблағларнинг 661,7 млн.сўми ёки 36 фоизи бевосита савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари орқали келиб тушди. Пластик карточкаларни муомалага чиқариш — бу нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартиришнинг энг самарали йўли ҳисобланади. Пластик карточкалардаги қолдиқларга йиллик 14 фоиз қўшимча фоиз даромад ҳисобланиб, у ҳар ойда капитализация қилиб борилади. Пластик карточкаларда чекланмаган миқдорда маблағ сақлаш мумкин.

Шунингдек, банкимиз мижозларнинг ҳоҳиш-ларига қараб ойлик маошларини пластик карточкалар асосида тўлаш, яъни “Иш ҳақи” лойиҳасини амалга ошириш ҳам барқарор ривожланмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойлик яқунларига кўра жами 165 та қорхона ва ташкилотнинг ишчи-хизматчиларига ойлик маошларини пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш йўлга қўйилди. Бунинг учун уларга жами 12086 дан ортқик электрон карточкалар эмиссия қилинган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3232 тага кўпдир.

Аҳоли ўртасида электрон карточкаларга қизиқиш, қолаверса, банкларга ишонч тобора ўсиб бораётганлиги боис янги турдаги хизматлар жорий қилинмоқда. Филиалимиз томонидан “Иш ҳақи” лойиҳаси таркибига кирувчи қорхона ва ташкилот ходимларига пластик карточкалар орқали жорий йилнинг ўтган даврида 120 млн.сўм миқдоридан “Овердрафт” истъемот кредитлари берилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, филиал томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг барча қатламларига кенг қамровли



молиявий хизматлар кўрсатилиши натижасида банк ва мижоз ўртасида ишонч ришталари мустаҳкамланиб, ҳамкорлик кучайиб бораётганлигидан мамнунмиз.

Рустам ЮСУПОВ,
“Асака” банкнинг Хоразм вилоят филиали бошқарувчиси. (R)

МАЪНАВИЯТ

ОФРИҚ НУҚТАЛАР

Тақлидга ўрин бормикин?

— Кўп қаватли уйда яшайман, — деб гап бошлади бир танишим, — тунов куни кечга яқин нон олиб келиш учун кўчага чиқдим. Болаларим ҳам менга эргашди. Ез эмасми, ҳамма кўчада...

эмасми? Муҳаббатнинг нархи шунчалар арзонмикиди, кўчаларда кўз-кўз қилинса? Кўчаларда муҳаббатга қўшилиб ҳаёнинг ҳам хорланиши-чи?



кўпгина йигит-қизларнинг ўзини ҳам, ота-онасини ҳам яхши таниймман. Аксариятининг ота-оналари бамзани, ақлу фаросати ўзига етарли одамлар...


келажига қора тамға босилади. Хўш, аслида ёшлар ўртасида уят, ҳаё, номусп туйғуларининг хира тортишига нима сабаб бўляпти? Шу саволга кўр-кўрона тақлидчилик деб жавоб бергим келади.

Бундан 10-15 йиллар олдин талабалик давримизда кўча-кўйда ёки жамоат транспортда кучоқлашиб юрган ўзга миллат вакиллари бўлган йигит-қизларни кўрсам, «хайрият, бизнинг миллатда бундайлар учрамайди»...

Мен бу билан ҳамма ёшларимиз ҳис-туйғуларни, ўзаро муносабатларини кўча-кўйда очик намойиш этадиган бўлиб кетишди, демоқчи эмасман.

Моҳигул НАЗАРОВА

Дунёдаги ҳар бир халқ ўз табиатига кўра жониворларнинг қайсидир бир турига алоҳида меҳр билан қарайди.



Эсимни танибманки, қалдирғоч ҳар йили баҳорда бизнинг уй ва айвонимизга ин қуриб, бола очади. Унинг вижр-вижрлари доимо оиламизга қувонч, таърифлиқ бўлмайдиган оромбахш кўтаринчилик бахш этади.

эшитган эса, ташвишга тушдим: наҳоти энди қалдирғочлар бизни тарқ этиб кетса? Маълумотларга кўра, қалдирғочларнинг дунёда 20 та зоти ва 79 та тури мавжуд.

ҳам кўпчиликка маълум. Аммо узум, ўрик, гилос, олча каби мазали меваларимизни «туя» қилишда ҳам бу қушнинг олдига тушадигани йўқ.

Қузатувларга қараганда, одатда 4-5 тадан тухум қўйиб, йил давомида 2-3 марта бола очади. Қушнинг кўпчилиги бадиий жиҳатдан гўр эди.

Мана, ўлкамада куз фасли. Ҳадемай кадрларимиз — қалдирғочлар ҳам иссиқ ўлкалар томон учиб кетди. Баҳорда эса улар бизни соғиниб, соғинтириб яна жаннатоманд юртимизга қайтиб келади.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ, журналист.

ТААССУРОТ

«Китоблар қалбни ёритади, инсонни юксакликка кўтарди... энг яхши ороу истақларини уйғотади, ақлни чарқалайди» деб ёзган эди инглиз ёзувчиси У. Теккерей.

Сўяма ҒАНИЕВА, Тошкент Давлат шарқшунослик институти профессори.

Она заминнинг сахийлигини қарангки, Андижоннинг чекка қишлоғида бир вақтда икки иктидорли шоир дунёга келди. Ҳар иқтисси ҳам халқ севган адиблар, юксак мукофотлар совриндори, севимли шоир бўлиб кўнгилларга шуқуҳ бахш этган оташнафас инсонлардир.



МУТОЛАА нунтол йиғини-да фожиий тақдирлар ҳақида баҳс юрлатади. «Рухи равоим» да эса Машираб қисмати фожиясини умумлаштиради.

Тўлан Низомнинг она мавзуда яратилган шеърларида юрак оташини ҳис қиласиз, бу шеърлар меҳр туйғуси, фарзандлик муҳаббатига лиммо-лимлиги билан қалббингизни ларзага келтиради.

Кошки бўлсам селхона, Борлиқ губорни ювсам. Иғво, уруш, қуфлат, ғам, Жами иллатни қувсам.

Кўриняптики, Тўлан Низом ижоди илк тўпламидан ҳозиргиларига қадар бадиий жиҳатдан юксалиб бормоқда. Унинг ижодида хос хусусиятлардан — халқоналик, самимийлик, айни дамда соддалик барчани ўзига ром этади.

Қалб шеърияти

Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом ижоди ҳақида

ланган, гуноҳи учун жазо олишдан қайтмайдиган мард инсондир. Суйганимга жафо қилсам мабодо, Дўстаримни кўрлмасам дамо-дам, Ҳам узатган қўлим қолса ҳавода, Ва имоним бут бўлмаса зийда, Аллоҳ, шу дам жонни олгин, кечирма.

«Мен юракни кўзгасам» шеърининг таржмаи ҳоли — Низомиддин деҳқоннинг ўғли эканлиги, отадан эрта етим қолиб, икки опаси ва онаси бағрида эртақ, ривоятлар тинглаб, дўсти Муҳаммад Али билан ўзарича сийлов шеър дарида яшаганлари билан огоҳ бўлишнинг зарурати билан ҳам танишасиз.

Шоирнинг илк шеърӣ тўплами 1970 йилда «Сенинг эртақларинг» номи билан чоп этилган. Тўпламга кирган шеърларда бегубор туйғулар, покиза орзулар ифода қилинган бўлса-да, ҳали уларнинг кўпчилиги бадиий жиҳатдан гўр эди.

Зиммига айлангани ижодкорнинг ютуғидир. Шунингдек, унинг Саъдий, Хусайн Бойқаро, Собир Термизий, Машираб ғазалига муҳаммас ва тўртликлари, қозоқ шоири Тўманбой Мўлдағалиевдан таржималари серқирра ижодкорнинг ажиб фазилатларидан дарак беради.

«Мажнунтол йиғини» лирик кассиси садоқатли шоғирдиннинг устозга эҳтиромни, муҳаббати боис яратилган. Лирик қаҳрамон, шоир «мен»ни ёмон тушдан — шоир вафоти, уни мазорга элтаётганлари, бир мўйсифидинг уни уйғотиб юбориши воқеасидан бошланади.

«Армон қилади энди огула тўлган ҳаёт, Одамлар юрагида йиғлаётган улуг зот». Тўлан Низом достонларидидаги ўзига хос жиҳатлардан яна бири — у хоҳ Миртемир, хоҳ Чўлпон, хоҳ Машираб, хоҳ Бобур ҳақида достон битар экан, уларнинг сатрларидан фойдаланади, шох сатрларига тазмин боғлайди.

«Улуг халқ қудрати жўш урган замон Олами маҳлиб айланган дийр». Бу достонда Юртбошимиз тимсоли яратилган. Айниқса, унинг соҳибқирон Темурни тушида қўриб «Ватан Сизга ҳамда мен битган тузук, Миллатни энди, сиз дияга жойлангиз» ўғитлари асосида олиб бораётган оламшумул ишлари, ўзганлик шоир Одил Полвоннинг ўш фожияси ҳақидаги ҳасратларини тинглаб «Барака тоғулурлар, виждон қўймасин» дея адолатлик ҳукм чиқаришидан, элим, юртим деб ёниб яшаётганидан қувониб шоир ҳар кунни тонгда шуни сўрайди:

«Мажнунтол йиғини» лирик кассиси садоқатли шоғирдиннинг устозга эҳтиромни, муҳаббати боис яратилган. Лирик қаҳрамон, шоир «мен»ни ёмон тушдан — шоир вафоти, уни мазорга элтаётганлари, бир мўйсифидинг уни уйғотиб юбориши воқеасидан бошланади.

Унинг 70 ёшлик тўйини қаршилаётган, миллатига, Ватанига фидойи ижодкорга соғлиқ, ижодий камолот тилаб, «Мен Ватанни юрагим чизаман» деган орзусига этишшини истаб қоламиз. Қолаверса, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом бу йил мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг Фармониغا кўра юксак мукофот «Эл-юрт хурмати» ордени билан тақдирланди.

Собир МИРВАЛИЕВ, филология фанлари доктори, профессор. Махмуда ВАЛИЕВА, Юнусов тўғанидаги 274-мактаб ўқитувчиси. «Соғлом авлод учун» ордени соҳибид.

Сўяма ҒАНИЕВА, Тошкент Давлат шарқшунослик институти профессори.

БУЮК ТАҚДИРЛАР

Уни кўп имкониятлардан чеклаб қўйган. Лекин бундай эҳтишамга амин бўлган, яна унинг иззат-иқроми жойига қўяди.

Ҳаёт гузал, зарифа ва одорли бу малика турмуш қурмаган. Отаси табиатдан кўрс, талабчан, ҳаттиқул бўлганлиги боис шойра қалбда келган турёнларни ҳозик падаларда яшириб баён этишга ҳаракат қилган. Лекин туйғулари қон томирларида оқиб келган.

Шоиранинг бир ғазалида ушбу мисралар келтирилади:

Тандин ажрасин бу бош,
гар лойиқи дор ўлмас,
Синсин ул қўл,
ёр буйнида агар бор ўлмас.

У киши қандай кутаргай тонгла
машҳар бошини,
Гар унинг кўксига доғи
лола рўхсор ўлмас.

Бу жаҳондин кўни юм,
кўз олдида ёр ўлмаган,
Кўр бўлмоқ яшидур,
ул кўзи хумдор ўлмас.

Шу ўринда Зебуннисонинг сунгисиз изтиробга солган севган ёри ким деган савол ҳаммани қизиқтирса керак. Айтишларича, Зебуннисо Оқилхон Розий – Лоҳур ҳоқими билан севишиб қолган экан. Аммо Оқилхон ёшлиғида қатл қилинган бўлиб, Зебуннисо унга бўлган муҳаббатини умрининг охирига қадар авайлаб асраган.

Зебуннисонинг «Васфий таржимасида» яна бир ғазалида шундай ўтғур мисралар келтирилади:

Гунчамиз очилмади, келди гарчи
губбахор,
Дил қушидин ўга булбул қилмас
учмоқ ихтиёр.

Мен умид боғига ҳасрат кўз ёши
қилдим равон,
Лек гул ўрнига унди ғам тикони ошикор.
Қайғу зиндони аро гарчи оқарди
куларим.

Зора бир ошно сўрар ҳалим дебон
мен интизор...
Яъни у сўнгги нафасигача ошиқ ёр
васлини қўлиб яшайди. Лекин тақдир уни
бу бахтдан мосуво қилса-да, қалби шеърини
яри билан ёрилади. Кўнглидаги битмас
мас яралар гузал мисраларга қўчади.

Зебуннисо ҳижрий 1113 йил (1701-1702 йиллар)да 65 ёшида Деҳлида вафот этади. Унинг тарбиясида бўлган синглиси Зийнат бегим ҳам «Зеби тафсир» номли тафсир ёзган. Зийнат бегим Шох Жаҳонбодда «Зийнат ул-масжид» деган беазоки жомеъ қурдирган. Зебуннисо бегим ташаббусчи билан Зийнатбегим Шох Жаҳонбод масжиди саҳнига даъф этилган.

Адиба УМИРОВА

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Яхшилар — сиз фақат ҳаётнинг гули

Гулзода Дунё Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида таваллуд топган. Айни пайтда Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицейда таҳсил олади.

У шеъринг боғининг бир гулгунчасидай юз очмоққа шайланмоқда. Орузси ижобат, келажоги саодат, қалбда то абад оташ муҳаббат бўлсин. Шеърининг сирли дунёси сирдош бўлсин!

Шамсиддин САДОЙИ,
шоир


БИРИНЧИ ҲАҚИҚАТЧИ

Илк бора тутқазиб қалам қўлима,
Чексиз меҳр нурун сочиб йўлима.
То абад номини ёзган дилима,
Биринчи ҳақиқатчи.

Сизсиз осмонимга қўёш қулмайди,
Кўнглим-да, қувончга сизсиз тўлмайди.
Сизни унутиб ҳам асло бўлмайди,
Биринчи ҳақиқатчи.

Бахтиёр бўласиз менга термулиб,
Мени деб мине бора тирилиб, ўлиб,
Улуғ келажакка бошлайсиз қулиб,
Биринчи ҳақиқатчи.

Бугун зор бўлибман бир сўзингизга,
Тунлар дил ёранам кўнгулингизга,
Қанийди ўрчасам мен ўзингизга,
Биринчи ҳақиқатчи.



ТИЛАК

Мен сизга яхшилик тилайман фақат,
Яхшилар сиз фақат ҳаётнинг гули.
Дунёда бор экан яхши одамлар,
Чаманни тарк этмас сайроқ бўлбули.

Яхши одамларнинг кўнгли тафтидан,
Бу олам яшайди, гуллар турди.
Яхши одамларнинг меҳри бор экан,
Ҳар дилга бахт мангу ошён қуради.

Гулзода ДУНЁ

СПОРТ

ЯНА ВА ЯНА МАГЛУБИЯТ

Бугун футбол бўйича Жаҳон чемпионатининг саралаш бахсларида Япония терма жамоасига қарши майдонга тушадиган Ўзбекистон миллий терма жамоаси 11 октябрь куни Жанубий Корея терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Корея пойтахти Сеул шаҳрида бўлиб ўтган ўйинда вакилларимиз йилрик 3:0 ҳисобида маглубиятга учради. Афсусларли томони шундаки, ҳамюртларимиз олти учрашувдан буён рақиб дарвозасини ишқор қила олишди, на галаба қозонишарди.

Эслатиб ўтамиз, бугун Япония терма жамоаси билан бўладиган саралаш учрашуви Тошкент вақти билан соат 18:00 да бошланади. Уйин тўғридан-тўғри «Спорт» телеканалда олиб кўрсатилиши режалаштирилмоқда.

РИВАЛДО «БУНЁДКОР»ДА ҚОЛАДИ



Сўнгги кунларда интернет сайтларида бразилиялик машҳур футбол юлдузи Ривалдо тез орада Тошкентнинг «Бунёдкор» футбол жамоасини тарк этиши мумкин деган хабарлар тарқатилмоқда. Бунга футболчилнинг Бразилиядаги «Моджи Мирим» футбол клуби бошқарма раиси лавозимига тайинлиниши асосий сабаблардан бири этиб кўрсатиляпти. Айни пайтда Ривалдонинг ҳуқуқшунослари керакли ҳужжатларни тўлша билан банд деган хабарлар тарқалган. Аммо Uzgoreport.com мухбирининг маълум қилишича, клубда мазкур легионер футболчига барча шартнослар яратиб берилган. Уйинчи бундан манъун ва у шартномаси тугамагунча «Бунёдкор»дан ҳеч қаерга кетмоқчи эмас.

ЖАНГ КИЕВДА ҲАҚИҚАТЧИ



Ўта оғир вазнда IBF ва WBO йўналишларида жаҳон чемпиони ҳисобланган украинлик боксчи Владимир Кличко ва IBF йўналиши камарига даъвогарлик қилаётган россиялик Александр Поветкин ўртасидаги жанг Германияда эмас, балки Киевда бўлиб ўтади, деб хабар тарқатди www.allboxing.ru сайти. Ташкилотчиларнинг айтишича, улар муҳлисларга бир қатор қулайликлар яратиш мақсадида шу қарорга келишган.

Яна бир гап. Хозирда ушбу мушлатшувни 100 дан ортиқ давлатлар телеканаллари тўғридан-тўғри олиб кўрсатиш истагини билдирган.


КУБОКНИНГ ЯНГИ ЭГАСИ



Кремль кубоги финалида теннисчи Игорь Кунитсин ва Марат Сафин беш соврин учун кураш олиб борди ва мазкур учрашувда кўпчилик кутмаган натижа қайд этилди. Ҳаммининг кўз ўнгида тажрибали ва маҳоратли ракетка устаси Марат Сафин рақибига уч сетада 6:7, 6:7, 3:6 ҳисобида имкониятнинг бой берди. Шундай қилиб, Игорь Кунитсин ўз фаолиятидаги биринчи муҳим галабани қўлга киритди.

Шу пайтгача икки спортчи бир-бирига қарши уч марта корта тушган ва ҳамма тўғнашувда Марат Сафин галаба қозонган эди.

КАНАДАДА МУСОБАҚА ҲАҚИҚАТЧИ



Халқаро автомобиль федерацияси томонидан келгуси йилдаги «Формула-1» мусобақалари кўни ва жойининг янги жадавали эълон қилинди. Унга қўра, 1987 йилдан бери мунтазам равишда ўтказилиб келинаётган Канада гран приси эндиликда бўлмаслиги маълум бўлди. Шунингдек, ҳар йили өттинчи июль санасида ташкиллаштириладиган Монреал биринчилиги ўрнига Туркияда мусобақа бўлиб ўтади. Колаверса, мусобақалар орасидаги таънаффус ҳам бироз муддатга узайтирилган. Шундай қилиб, «Формула-1» мусобақаларининг 2009 йилги маълумидан бошлаб, бир йилда ҳар доимгидек ўн тўққизта эмас, ўн саққизта пойга ўтказилади.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

Зебуннисонинг армонли муҳаббати

тарбияси билан шуғулланишни сарой аҳилларидан бирининг фозила онаси Марям отин ихтиёрига топширади. Устози мулла Муҳаммад Саид Ашраф Мозандороний яхши шоир бўлганлиги боисми Зебуннисода шеърингта ҳавас уйғонади. Унинг илк машқлари устози назарига тушиб, ғазалларини ўша даврининг танкили шоирлари эътиборига ҳавола қилади.

Унинг қаламига урта китоб – «Мунис ул-арвоҳ», «Зеб ул-нишот» ва «Зеб ул-тафосир» ҳамда шеърлар девони мансубдир. Ривоятларнинг бирида айтиладики, Зебуннисо богда айланиб юриб, шундай шеър биттиди:

Кўнглини овловчи тўрт нарсанимандир?
Шароб, сабза, обу равон,
дилбар чехраси.

Шу аснода отаси у томон кела бошлабди. Зебуннисо шеърини шундай ўзгартириб ўқиб кетди:

Кўнглини ғамдан тозаловчи
тўрт нарсанимандир?
Намоз, рўзаю тасбеҳ, таваба, истиффор!

Тазкираларда Зебуннисо тақдор, парҳезгар бўлганлиги ва тасавуфга мойиллиги борлиги қайд этилади. Шеърларини «Махфий» таҳаллуси билан ёзган дейдилар. Атоқли навоийшунс олима Сўйима Ганиева

Мендан ўрганди-ю бўлди гулга
булбул ҳамининг, фозила онаси
Менгадур парвона ҳам шоғирду
ишқимдур расо...
Шоҳ қизи эрсам-да, қилдим факр
йўлини ихтиёр,
Бас менга бу зебу зийнатким,
отим Зебуннисо.

Яъни бахтим ҳам, тахтим ҳам китобдир
дега хитоб айлаб, ҳаётини шеърингта баън-
лаган шойра ноласи фийрон билан
сидан ёрқин иқбол қўлади. Айларни тақдир-
ловчи қонун-қоидаларни, урф-одатларни қорала-
лайди. Бахтли ҳаёт туйғуларини яхши кўнлар
ораси ила ранг-баранг бадуий образлар вос-
ситасида қўйлайди, дорилмомон кўнлар кели-
шига умид боғлайди.

Унинг эхтиросли, ҳиссиётларга бой
ғазаллари халқ орасида машҳур бўлиб
ке-тишининг сабаби отаси Аврангзёб қизи-
нинг иқтидорини алоҳида эътироф этиб,
рағбат кўрсатганлигидир. Аврангзёб тахт-
га ўтирганида Зебуннисо 21 ёшда бўлган.
У давлат ишларида қўзи билан кенгашиб,
мелсхатлашиб иш қўрганлиги тарихий ман-
баларда аниқ кўрсатилган. Деидиларки,
шоҳнинг ўғли шахзода Акбар отасига қарши
чикқанида Зебуннисодан ғумонсиратган шох

РАССОМ ХАНДАСИ



— Узингиз жуда яхши, ҳалис, исми-жисмингизга муносибсиз, ҳўжастин...

РИВОЯТ

Бирбалнинг топқирлиги

Бобурийлар сулоласининг буюк вакили Акбаршоҳ доно ва одил ҳукмдор эди. Саройига тез-тез уламою умарони чорлаб суҳбат қураб, бундай суҳбатларда шохнинг хос мулозимни, ҳозиржавоб ва қувноқ Бирбал ҳам иштирок этар эди. Шундай мажлисларнинг бирида Акбаршоҳ йиғилганларнинг заковати ва садоқатини синаш учун сўради:

— Муҳтарам жамоа! Каминангизнинг кўксига бир сўроқ айланадир. Мажлисимизда ҳозир бўлмиш зотлар шу аснода не хаёл ила банд эрканлар? Биз шу топда барчанинг кўнглидин кечиб турган фикрни билмоқ истаймиз. Марҳамат, айтинлар!

Шивир-шивир бошланди. Мехмонлар ўзаро кўз уриштириб олишди. Уламолар қарахт, амалдорлар лол. Негаки ҳар қаллада ҳар хаёл деган нақл бор. Илло бир ерда жам бўлмиш шунча кишининг кўнглида не ўй, не фикр, бунин илғаб бўлар эканми?

Ҳамма жим. Жамоатнинг боши ҳам. Ниҳоят, Акбаршоҳнинг тоқати тоқ бўлиб,

Бирбалга ўғирилди:

— Қулоғимиз сизда, жаноб Бирбал!

Бирбал иргиб турди, шохтега таъзим бажо келтирди. У ҳукмдорнинг қандай жавоб кутаётганини яхши биларди. Шунинг учун дона-дона қилиб деди:

— Олампахо, бу ерда жам бўлганларнинг хаёлини бир хил тилак банд этмиш.


— Айтинг, — амр қилди шох.

— Тилак бу турур: илоҳо, шохимизнинг умри узун, дасти фузун бўлғай, илоҳо, давлатпаноҳнинг салтанати завол кўрмағай, шохимизнинг рақиблари забун бўлғай, Яратган эгам олампаходан лутфу карамини дариг тутмасин! Бул зоти шарифларнинг ҳар бири ана шундай дуои хайр ила банд, шохим.

Аҳли жамоа бир оғиздан Бирбалнинг сўзларини тасдиқлаб қасам ича бошлади. Акбаршоҳ Бирбалнинг зукколигига яна бир бор тан берди. Бирбал эса, дину давлат арбобларининг риёкорлигига ичида қулиб қўйди.

Саъдулла СИЁЕВ тайёрлади.

Барча ташкилот ва корхона раҳбарлари диққатига!



Бўш пул маблағларингизни жойлаштиришнинг энг самарали ўўли

Очиқ акциядорлик тижорат «Турон» банк барча юридик шахслар учун қуйидаги шартлар асосида депозит сертификатларини таклиф этади:

АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ	ЖАМИ СУММАСИ (СЎМДА)	ФОИЗ СТАВКАСИ % (ЙИЛЛИК)ДА
6 ОЙ	1 000 000 000	12%
13 ОЙ	7 000 000 000	13%
36 ОЙ	1 000 000 000	14%

Маълумот учун телефонлар:
(8.371) 244-25-81, 244-12-74, 700-55-55
Манзил: Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси 4а уй.